

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Ғ.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**КАЛАНОВА САБОҲАТ МУРАДОВНА**

**АВЛОДЛАР АЛМАШИНУВИ ЯНГИ СОЦИОМАДАНИЙ  
ҚАДРИЯТЛАР ШАКЛЛАНИШИНИНГ ОМИЛИ СИФАТИДА**

**22.00.02 – Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи**

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по социологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract  
of Doctor of Philosophy (PhD) on Sociological Sciences**

**Каланова Сабоҳат Мурадовна**

Авлодлар алмашинуви янги социомаданий қадриятлар шаклланишининг  
омили сифатида ..... 3

**Каланова Сабоҳат Мурадовна**

Смена поколений как фактор формирования новых социокультурных  
ценностей ..... 23

**Kalanova Sabohat Muradovna**

The forming new social cultural valuables process of changes of generations.....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 48

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Ғ.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**КАЛАНОВА САБОҲАТ МУРАДОВНА**

**АВЛОДЛАР АЛМАШИНУВИ ЯНГИ СОЦИОМАДАНИЙ  
ҚАДРИЯТЛАР ШАКЛЛАНИШИНИНГ ОМИЛИ СИФАТИДА**

**22.00.02 – Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи**

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида  
B2017.2 PhD/Sots11 рақам билан рўйхатга олинган**

---

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-  
саҳифасида (fs-ik.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталига (www.ziyonet.uz.) жойлаштирилган

**Илмий раҳбар:**

**Ганиева Марифат Хабибовна**  
социология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Умаров Абсалом Адилович**  
социология фанлари доктори, профессор

**Қаххарова Матлюба Маннафовна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc 27.06.2017  
F.01.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб  
ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий  
университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона. Тел.: (+99871) 227-12-24;  
факс: (+998-71) 246-53-21, (99871) 246-02-24; nauka@nuu.uz)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот–ресурс марказида  
танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри,  
Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Маъмурий биноси, 2 қават, 4-хона. Тел.: (99871) 236-46-55; факс:  
(99871) 246-02-04).

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Н.Х. Ҳакимов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

**Н.Б. Абдуллаева**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, ф.ф.д., доцент

**М.Т. Жакбаров**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, ф.ф.д.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳондаги анъанавий ёки замонавий жамиятларда авлодлар алмашинуви жараёнига нисбатан генерацион, яъни тарихни ҳаракатга келтирувчи куч<sup>1</sup> сифатида қаралмоқда. Бунда авлодлараро муносабатлар позитив мазмун касб этиб, у оиладаги катта ва кичик авлод ўртасидаги ворисийлик ёки жамиятдаги социомаданий кадриятларнинг алмашинуви сифатида ахборотлашган жамият кадриятлари натижасида шаклланган авлодлараро интеграция омилларининг динамикасига эътибор берилади. Ижтимоий демографик масалалар мураккаблашиб бораётган жамиятларда «оталар» ва «болалар» социал қиёфасининг ўзгариши «оталик» бурчи ва маъсулиятининг инқироzi оқибатида юзага келмоқда.

Жаҳонда авлодлар алмашинувидаги янги социомаданий кадриятларни шакллантириш омиллари, «ёшлар субмаданияти», «кексалар субмаданияти», «катталар таълими», «гендер ва ёшлар», «миграция ва мультикультур жамиятлар», «ахборотлашган жамият ва Интернет кибер маконида ёшларнинг иштироки», «геронтология», «акмеология», «оталар ва болалар», «авлодлар тўқнашуви» каби муаммолар социологик илмий тадқиқотларнинг асосий мавзуси бўлиб қолмоқда. Глобаллашиб бораётган дунёда шаклланган замонавий кадриятлар ижтимоий - тарихий жараёнларнинг ҳозирги даври ва аввалги авлодлар тажрибаси ўртасидаги узвийликка асосланмаганлиги авлодлараро алмашинув динамикасини ўрганиш заруратини юзага келтирмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси, шунингдек, ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги бўлимларининг ташкил этилиши кекса ёшдаги фуқароларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими самарадорлигини янада ошириш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида тўла ҳуқуқли ҳамда фаол иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, кекса авлоднинг жамият, оилалар ва маҳаллаларда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, шунингдек ёш авлодни халқимизнинг кўп асрлик анъаналарини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш ишидаги ролини ошириш каби ислохотлар натижасида ёшларни ватанпарварлик, миллий анъана ва кадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий етук ва жисмонан соғлом баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тизими юзага келди. Шу билан бирга, авлодлар алмашинуви жараёнида социомаданий кадриятларнинг интенсив трансформацияси ёшларни мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллигини оширишни талаб этмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил

<sup>1</sup> Миллс Р. Властвующая элита / Перевод с англ. Е.И.Розенталь, Л.Г.Рошаль, В.Л.Кон. – Москва, Издательство иностранной литературы, 2015. – С. 406.

фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш»<sup>2</sup> каби муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада авлодлар алмашинуви тизимининг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омиллар ва авлодлараро муносабатларнинг ижтимоий тузилмасини тадқиқ этиш, авлодлар алмашинуви ижтимоий динамикаси жараёнларининг прогнозини амалга ошириш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги ПФ-4906-сон «Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон, «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон, 2018 йил 27 июндаги «Yoshlar – kelajagimiz» Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» илмий тадқиқотлари дастурининг устувор йўналишларига мувофиқ равишда бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тадқиқот ишини комплекс таҳлил этиш натижалари шуни кўрсатдики, авлодлараро муносабатлар муаммоси ҳамма вақт турли фан намояндаларида қизиқиш уйғотиб келган. Бунда ушбу масалага оид илмий манбаларни чуқур ўрганиш орқали замонавий Ўзбекистон жамиятида мавжуд бўлган авлодлараро тўсиқларни бартараф этиш масаласи ўз ифодасини топган.

«Оталар» ва «болалар» муаммоси жамият ҳаётида таҳлил этилар экан, ёш авлоднинг ахборотлашган жамиятда янги инновацион технологияларга ортиб бораётган эҳтиёжлари эътиборга олина бошлади. Шуниси муҳимки, аввал ворисийлик белгилари қадриятлар асосида катталардан кичикларга берилган бўлса, инновацияларнинг ижтимоий ҳаётга кириб келиши натижасида катта авлод кичик авлоддан ахборот технологиялари билан ишлашни ўргана бошлади. Таъкидлаш мумкинки, авлодлараро муносабатлар ижтимоий фанлар тизимида атрофлича ўрганилган, аммо ҳозирги вақтга қадар авлодлар алмашинуви жараёнида социомаданий қадриятларни илмий асослаш учун комплекс социологик тадқиқотлар ўтказилмаган.

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // «Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базаси»нинг веб-сайти – [www.Lex.uz](http://www.Lex.uz).

Ҳозирги давр жамиятшунослигида «авлод» тушунчасининг талқини бир неча ёндашувлар билан ифодаланади. Ижтимоий ҳаётда авлодлар алмашинуви динамик мазмун касб этганлиги боис, мазкур муаммони ўрганувчи социологларни икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга «авлодлараро муносабатлар»ни ўрганувчи ҳамда «низолар» ва «ворисийлик» каби муаммоларни тадқиқ қилишга алоҳида эътибор қаратувчи олимларни киритиш мумкин. Жумладан, О.Конт, Ж.С.Милл авлодлар ўртасидаги социал муаммоларни ўрганган бўлса, М.Мид ва Р.Милллар «авлодлар ўртасидаги тўқнашувлар»ни таҳлил этдилар.

XX асрнинг ўрталаридан бошлаб ноанъанавий социология (феноменология, интеракционизм, структурализм) мактаблари авлодлар муаммоси, инсон турмуш тарзини алоҳида авлодлар мисолида ўрганишни тавсия қиладилар. Бунга Э.Тоффлер, Э.Гидденс, А.Шюц, М.Мид, Э.Эриксон, Ж.Хоманс, П.Блау, Р.Эмерсон ва бошқа социолог олимлар тадқиқотларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

XXI асрга келиб Ғарб дунёсида аҳолининг кексайиб бориши авлодлар ўртасидаги муносабатларга нисбатан ўзгача ёндашувни шакллантирди ва бунда «низолар таълимоти» ўрнини «ўзаро ёрдам кўрсатиш» ғояси эгаллай бошлади. Х.Беккер, М.Коли, Д.Томсонлар «социал шартнома» таълимотини, К.Мангейм, Хосе Ортега-Гасет, И.Гофман, П.Бурдые, И.Кон, П.Нора, Т.Шанин каби тадқиқотчилар авлодлар муаммосини социомаданий контекстда ўрганишни тавсия қиладилар.

МДҲ давлатларида С.Аверинцев, А.Гуревич, П.Гуревич, Б.Ерасов, С.Иконникова, Л.Ионин, И.Кондаков, И.Малыгина ва бошқа олимлар ўз илмий тадқиқотларида авлодлараро ворисийлик масалаларини жамиятда ижтимоий-маданий тажриба, маданий-тарихий хотира ва социомаданий мерос бўлиб қолишини таъкидлаб, маданиятшуносликнинг назарий муаммоси сифатида ўрганганлар. Шунингдек, авлодлараро ворисийликнинг ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги ўрни масалалари Л.Бублик, В.Межуев, О.Платонов каби социологлар томонидан тадқиқ этилган.

Ўзбекистонда авлодлар муаммосининг социологик масалалари Ш.Содиқова, ворисийлик ва мансублик (идентиклик) мавзусига оид тадқиқот ишлари М.Қаҳҳарова ва Ш.Мадаева, социомаданий (ўзликни англаш руҳияти, турмуш тарзи ва кундалик ҳаёт, қатламларга ажралиш, мобиллик) ва ментал жиҳатлари эса О.Ата-Мирзаев, М.Бекмурадов, М.Ганиева, А.Умаров, А.Холбеков, Н.Латипова, Г.Туленова, Р.Убайдуллаева, К.Калановларнинг илмий изланишларида ўз ифодасини топган.

Бироқ бугунги кунга қадар социологияда авлодлар алмашинуви масалалари Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини такомиллаштириш шароитида янги ижтимоий-маданий (социомаданий) кадриятларни шакллантиришга имкон яратувчи омил сифатида, айнан, социологик сўровлар ўтказган ҳолда етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация мавзусининг бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Мирзо

Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ишлари режасининг А-1-161 «Ўзбекистонда замонавийлашув шароитида оила ва болаларни ҳимоя қилиш тизимида ижтимоий ҳамкорлик масалалари» (2015-2017 йй.) мавзусидаги илмий тадқиқотлар дастури доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** авлодлар алмашинуви жараёнлари янги социомаданий қадриятларни шакллантириш омили эканлигини асослаб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

«авлод», «замонавий авлод», «авлодлар алмашинуви» каби тушунчаларни фалсафа тоифалари сифатида англашнинг асосий жиҳатлари ва турли илмий ёндашувларини қиёсий таҳлил қилиш, шунингдек, авлодлар назариясининг моҳиятга оид мазмунини очиб бериш;

авлодлар алмашинуви тизимининг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омилларнинг тарихий-фалсафий таҳлилин асослаб бериш, амалга оширган ҳолда уларнинг ўзаро боғлиқлигини асослаб бериш;

авлодлар ворисийлигининг социомаданий динамика омили сифатидаги моҳиятини очиб бериш ва унинг механизмларини аниқлаш;

жамиятнинг демократлашуви шароитида авлодлараро муносабатларнинг ижтимоий тузилмасини ўрганиш бўйича социологик тадқиқот ўтказиш ва унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

социологик тадқиқот асосида «замонавий авлод» тушунчасининг портретини яратиш ва авлодлар алмашинуви ижтимоий динамикаси жараёнларининг прогнозини амалга ошириш;

муайян авлодга мансублик омилларининг турмуш тарзига, дунёқарашга, миллий тафаккурга, менталитетга, миллий қадриятларга таъсирини ўрганиш, авлодлар ворисийлиги социомаданий жараёнида маданий-тарихий хотиранинг ролини асослаб бериш;

Ўзбекистон ривожланишининг замонавий босқичида авлодлар алмашинуви жараёнларининг ижтимоий динамикаси ва унинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, зиддиятларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш усуллари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

тадқиқот натижаларини татбиқ қилиш бўйича назарий хулосалар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш, шунингдек, уларнинг замонавий фан ва ижтимоий амалиёт учун аҳамиятини асослаб бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** Ўзбекистонда айнан бир даврда яшаётган авлодлар (ёшлар, ўрта ёшлилар, кексалар) муносабатларидаги янги социомаданий қадриятлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** авлодлар ворисийлиги, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва янги социомаданий қадриятларнинг шаклланишига таъсири ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда муаммони ўрганишда сўров, кузатув, қиёсий таҳлил, ҳужжатларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

«авлод» ва «замонавий авлод» тушунчаларини социологик англашнинг фалсафий, тарихий, демографик ва даврий тамойиллари асосий мезон сифатида асослаб берилган;

авлодлар ворисийлигининг социомаданий такомиллашув динамикаси табиатини белгилаб берувчи ёш цензи, миллий-этник хусусиятлари асосида авлодлар идентиклигидаги «ёшлик, «етуклик», «мукаммаллик» ва «кексалик» даврларига кўра таснифи ва менталлиги очиб берилган;

авлодлар алмашинуви жараёнида янги социомаданий кадриятларни умумлаштирувчи «кексаларга ҳурмат», «оилавий муносабатларда ахлоқий фазилатларни асраш», «ёшлар – авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий меросимиз ворислари», «миллий ғурур ва ифтихор анъаналарига содиқлик» тушунчалари социологик тадқиқот натижаларига таяниб, ворисийлик тамойиллари асосида такомиллаштирилган;

авлодлароро ворисийлик алоқаларидаги низолар анъанавий механизм элементлари («катталар ҳар доим ҳақ» тамойили, эндогамик оила-никоҳ муносабатлари)нинг парчаланиши, ижтимоий ва маданий динамика параметрлари (ёшларнинг миграция жараёнларида фаоллашуви ва унинг маънавий-тарбиявий жиҳатларга таъсири, Интернет макони ва ижтимоий тармоқлардаги иштирок таъсири натижасида катта авлод ва кичик авлод ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг мураккаблашуви)нинг издан чиқишига боғлиқлиги билан асосланган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

авлодлар алмашинуви динамикасининг истиқболдаги ҳолатини аниқлашга қаратилган «Авлодлар алмашинувида ворисийлик социомаданий кадриятлар шаклланишининг омили сифатида» номли социологик тадқиқот дастури ва сўровномаси ишлаб чиқилган;

социологик тадқиқотлар асосида жамиятнинг демократиялашуви шароитида авлодлар алмашинуви жараёнининг мониторинги амалга оширилган;

жамият ҳаётининг иқтисодий, маданий-сиёсий, маданий соҳаларидаги янги ривожланиш босқичида авлодлар ворисийлигини таъминлаш мақсадида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

ижтимоий ишчи ходимларининг авлодлароро низоли вазиятларни бартараф этиш, руҳий саломатликни тиклаш ва кўникмаларни шакллантиришга қаратилган «Касбий сўниш синдроми ва авлодлароро зиддиятларни бартараф этиш» мавзусидаги тадқиқот-тренинг сценарийси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, ўтказилган социологик сўровнома, хулосалар, таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиётга жорий

этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти катта ва ёш авлод ўртасидаги социомаданий ворисийликни таъминлашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, вақтнинг анъанавий ҳолатини белгилаб берувчи тарихий воқеликнинг миллий мансублик, миллат табиати, менталитетига таъсирини авлодлар алмашинуви жараёнидаги ахлоқий ва ижтимоий синдромлар моделлари таснифларини такомиллаштиришга хизмат қилади. Шунингдек, катта ва ёш авлод муносабатларини тиклаш учун лойиҳалар, туркум кўрсатувлар, социомаданий тадбирлар ўтказишда қўлланиши билан амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти социология, ижтимоий иш, фалсафа, ижтимоий фалсафа, этика, эстетика, конфликтология фанларига доир мавзуларни бойитади, шунингдек, мазкур фанлар бўйича дарслик, ўқув қўлланма, услубий тавсиялар тайёрлашда, малака ошириш курсларида ташкил этиладиган ўқишларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Авлодлар алмашинувини янги социомаданий қадриятлар шаклланишининг омили сифатида ўрганиш натижасида ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

авлодлар алмашинуви жараёнида янги социомаданий қадриятларни умумлаштириш, «кексаларга хурмат», «оилавий муносабатларда ахлоқий фазилатларни асраш», «ёшлар – авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий меросимиз ворислари», «миллий ғурур ва ифтихор анъаналарига содиқлик» тушунчалари, бир авлоддан кейинги авлодга мавжуд ахборот, маданият ва орттирилган тажрибани узатиш билан боғлиқ жараёнларга оид таклифлари «Ҳетакчи» ёшлар марказининг 2015 йил 2 сентябрдаги 01-04/56-сон буйруғи асосида ташкил этилган социологик тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг 2017 йил 14 декабрдаги 04-13/2421-сон маълумотномаси). Мазкур тадқиқотлар турли авлод вакиллариининг дунёқараши, сиёсий-ҳуқуқий саводхонлиги ва маданияти, фуқаролик қарашларини шакллантириш, аждодлар қолдирган энг яхши анъаналарига содиқ равишда тарбиялаш, авлодлараро ўзаро муносабатлардаги муаммоларни ўрганиш ва таҳлил қилиш имконини берган;

тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 декабрдаги «Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4906-сон Фармони ижросини таъминлашда ҳиссасини қўшган («Нуроний» жамғармасининг 2017 йил 25 майдаги 07-1240-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши «авлод» тушунчаси социомаданий бирлик сифатида жамият ривожланишининг ижтимоий ва маданий ўзига хос хусусиятлари орқали авлодлар фаолиятининг умумлаштирувчи мезонга эгаллиги ва авлодлараро

маънавий мерос ва миллий қадриятларни тарғиб этишга ўз ҳиссасини қўшган;

ахборотлашган жамиятда авлодлараро муносабатлардаги социал зиддиятларга сабаб бўлувчи муаммоларни бартараф этишнинг назарий ва эмпирик жиҳатлари ўрганилган илмий иш сифатида Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг ривожланишини мониторинг қилиш мустақил институти амалий фаолиятига татбиқ этилган, натижалардан истиқболли таҳлилий социологик тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг ривожланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг 2017 йил 30 ноябрдаги 11/349-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг «Жамоатчилик фикрини ўрганиш сектори» томонидан «Фуқаролик жамиятини шакллантириб боришда ҳуқуқий маданиятнинг ўрни ва роли» мавзусида ўтказилган фокус-гурух тадқиқотларда қўлланилиши замонавий авлоднинг социал қиёфасини белгилаб беришда муҳим аҳамият касб этган;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг «Ўзбекистонда замонавийлашув шароитида оила ва болаларни ҳимоя қилиш тизимида ижтимоий ҳамкорлик масаласи» мавзусидаги А-1-161 рақамли лойиҳаси доирасида ўтказилган семинар-тренинг ишида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 1 майдаги 89-03-1610-сон маълумотномаси). Бу ижтимоий соҳа ходимларининг касбий сўниш синдроми ва авлодлараро зиддиятларни бартараф этиш методларини такомиллаштириш ҳамда мазкур соҳа ишчи ходимларининг назарий кўникмаларини оширишга хизмат қилган;

турли авлод вакиллари ўртасидаги муносабатлардаги социал зиддиятларга сабаб бўлувчи муаммоларнинг вужудга келиш сабабларини ўрганишга ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқот дастурларини амалга ошириш (республика бўйлаб тўпланган маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш) доирасида Республика «Оила» илмий маркази томонидан қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси «Оила» илмий-амалий марказининг 2017 йил 19 ноябрдаги 01/321-сон маълумотномаси). Илмий натижалар етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар билан иш олиб боровчи педагог ҳамда ижтимоий соҳа ходимларининг ижтимоийлашуви масалаларини ижобий ҳал этишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 16 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси натижалари бўйича жами 45 дан ортиқ илмий ишлар чоп этилган. Улардан: ОАК рўйхатида келтирилган журналларда чоп этилган 10 та илмий мақола, чет эл журналларида чоп этилган 4 та илмий мақола, илмий-амалий

конференцияларда 29 та маъруза ва тезислар, 1 та монография, 1 та услубий қўлланма нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 6 та параграфдан иборат бўлган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 132 бетни ташкил этади. Ишда 130 та манба ва адабиётлардан фойдаланилган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси асосланган, унинг химояга олиб чиқиладиган мақсад, вазифалари, қоидалари, илмий янгилиги шакллантирилган, тадқиқотнинг фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқотни амалга оширишда қўлланилган усуллар кўрсатиб ўтилган, тадқиқотнинг амалий ва назарий қиймати асосланган.

Диссертациянинг «**Жамиятда авлодлар алмашинуви масаласининг назарий-методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий соҳа олимларининг «авлод», «авлодлар ворисийлиги» тушунчаларини таърифлашдаги турли илмий ёндашувлари, уларнинг моҳияти тадқиқот мавзуси доирасида таҳлил қилинган, шунингдек, авлодлараро муносабатларнинг ижтимоий тузилмаси мазмуни кўриб чиқилган. Мазкур бобда ушбу тушунчага нисбатан мавжуд бўлган илмий нуқтаи назарлар, турли ёндашувлар тадқиқот объектининг мураккаблиги ва уни тадқиқ этиш зарурлиги ёритиб берилган. Социологиядаги «авлод» тушунчасини таҳлил қилиш унинг ижтимоий ва демографик ўзига хос хусусиятларининг боғлиқлигини эътиборга олган ҳолда амалга оширилиши лозим. Уларга, биринчидан, одамларнинг ўзаро ижтимоий муносабатлари ва турмуш тарзинининг тузилмага оид моҳиятини кўрсатадиган омил сифатида намоён бўлувчи, муайян авлоднинг «яшаш ҳудуди» билан боғлиқ бўлган демографик хусусияти киради. Иккинчидан, ҳар бир давр (авлоднинг) демографик ҳолатининг (миграция, туғилиш, ўсиш, саломатлик ва бошқ.) ўзига хос турмуш тарзи хусусиятларини белгилаб берувчи мулоқотни амалга оширишнинг зарурлигидир.

Этимологик жиҳатдан «авлод» тушунчаси ўзида «gan» («насл қолдириш»)<sup>3</sup> ва лотин тилидаги «generation» («яратилган», «мева») сўзи билан ҳамда социологияга оид рус тилидаги адабиётларда «колени» («авлод тармоғи», «шажаранинг босқичи»)<sup>4</sup> маъносида келади. «Авлод» тушунчаси фанлараро тушунча бўлганлиги сабабли, у социологияда билимнинг турли соҳаларида бир неча таърифга эга. «Авлод» тушунчаси фанлараро мазмун касб этганлиги боис, турли соҳаларда ўз тадқиқий мақсадларига мувофиқ тарзда маъно англатади. Жамиятшунослар томонидан «Оталар ва болалар»<sup>5</sup>

<sup>3</sup> Социологический энциклопедический словарь. – Москва, Издательство НОРМА, 2000. – С. 488.

<sup>4</sup> Калиновский, Ю.И. Философия образовательной политики / Ю.И. Калиновский. – Москва, 2000. – С. 540.

<sup>5</sup> Тургенев И.С. Отцы и дети. – Москва, 1971. – С. 56.

мавзусининг долзарб муаммолардан бири сифатида ёритилиши авлодлар «алмашинуви назарияси»нинг яратилишига туртки бўлди.

Алмашинув назариясини илк бор тадқиқ этган социал бихевиоризм таълимотида «ўзини тутиш (хулқ)» тушунчаси тасдиқлаш маъносида қўлланилади, уни шунингдек, «мукофотлаш» деб ҳам таърифлаш мумкин. Маълумки, жамиятда исбот талаб этадиган ҳар қандай ҳодиса хулқдан ташқарида асосиз ҳисобланади. Бундай ҳолатда «алмашинув назарияси»ни ҳам «авлодлар» алмашинуви ҳодисасини методологик нуқтаи назардан таҳлил қилишга уриниш, деб ҳисоблаш мумкин. Айрим социолог тадқиқотчилар эса мазкур тушунчани «ўзаро алмашинув назарияси» деб ҳам таърифлайдилар. «Авлод», «авлодлар алмашинуви» тушунчалари мазкур тадқиқотда асосий тушунчалар ҳисобланади. «Авлодлар алмашинуви» назарияси анча аввал пайдо бўлган.

«Алмашинув назарияси» тадқиқотчи Ж.Хоманс номи билан боғлиқ. Фанда социал тизим ва унда содир бўладиган тизимли жараёнларни объектив равишда ёритиш зарурати вужудга келди. Хоманс социологлар алоҳида эътибор қаратган индивидуал ва кичик гуруҳлар хулқини тарих нуқтаи назаридан ўрганган. Унинг таъкидлашича, ижтимоий хулқнинг содда шакллари психологик нуқтаи назардан таърифлаш мумкин. Хоманс назарияси кўп жиҳатдан ижтимоий фактлардан келиб чиққан ҳолда изоҳланади.

Авлод – бу аниқ тарихий даврда шаклланган ва ёш фарқи асосида фаолият юргизиш учун ижтимоий шарт-шароитлар билан чегараланган инсонларнинг объектив равишда такомиллашадиган социал-демографик ва маданий-тарихий бирлиги саналади<sup>6</sup>. Типик антропогенетик, социал-психологик, ғоявий-ахлоқий ва этномаданий хусусиятлар худди қадриятлар, ижтимоий тажриба ва турмуш тарзи каби «авлод»нинг ўзига хос жиҳатлари ҳисобланади. Илмий манбаларда «авлод» – полисемик (кўп маъноли), турли жабҳаларда қўлланиладиган интеграл тушунчадир. «Авлод» тушунчаси «насл» (бир аждоддан туғилганлар), «тенгдошлар» (бир пайтда туғилганлар), «тенгқурлар» (хаёт тарзи ўхшаш бўлганлар), «когорт» (битта муҳим воқеа воситасида боғланганлар), «замондошлар» (бир тарихий даврда яшайдиганлар), «сафдошлар» (бир тарихий воқеа-ходисаларда иштирок этувчилар) тушунчалари билан боғланган. Авлодлар ўртасидаги муносабатларни таҳлил этишда этнограф, психолог ва педагоглар кўпинча қуйидаги дихотомиядан фойдаланадилар: «болалар ва ота-оналар», социолог ва маданиятшунослар эса: «ёшлар – катталар».

Объектив шароитларни авлодлараро зиддиятлар, ижтимоий қарама-қаршилиқларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлувчи омиллардан бири сифатида ўрганиш лозим, чунки улар шахсга оид, гуруҳга оид ва институционал табиатга эга бўлган субъектив омиллар билан боғлиқ. Авлодлар зиддиятига одатда, авлодлар эҳтиёжи, қизиқиши, интилишлари, мақсади ва идеаллари

<sup>6</sup> Глогов М.Б. Поколение как категория социологии // Социологические исследования. – Москва, 2004. № 10. – С. 42-48.

ўртасидаги фарқлар сабаб бўлади. Авлодлар зиддияти яширин тарздаги социал кескинлик сифатида ёки очик тарзда фикрлар, тасаввурлар, қарашлар, ғояларнинг тўқнашуви кўринишида кечиши мумкин.

Авлодлараро ворисийлик асосини шахснинг ижтимоийлашуви жараёни ташкил этади. Унинг икки векторини фарқлаш зарур: а) вертикал: аввал ўтган авлодларнинг кейинги авлодлар сари; б) горизонтал – турли ижтимоий-иқтисодий, этносиёсий ва маънавий-маданий тизимлардаги замондош авлодлар. Бугун ворисийлик ва авлодлараро низолар каби ҳодисаларни социологик тадқиқ қилиш жамиятнинг тарихий ва социомаданий ривожланишига имконият яратади.

Диссертациянинг «**Жамиятда авлодлар ворисийлиги тизимининг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи ижтимоий омиллар**» деб номланган иккинчи бобда авлодлар ворисийлигининг тарихий-социологик таҳлили амалга оширилган ва замонавий авлоднинг социомаданий ўхшашлиги билан ўзаро диалектик алоқаси асосланган. Шунингдек, жамиятда янги кадриятларнинг вужудга келиши шароитида авлодларнинг шаклланиш ҳодисаси ва авлодлар синдроми тадқиқ қилинган.

Олимлар томонидан болалик, ўспиринлик, етуклик каби ҳодисалар, гендер муаммолар, акмеология, геронтология, ижтимоий муаммоларнинг турли жиҳатлари ўрганилганига қарамай, янги социомаданий кадриятларни шакллантириш омили сифатидаги авлодлар алмашинуви муаммолари, бизнингча, илмий-фалсафий нуқтаи назардан етарли даражада ўрганилмаган. Мазкур ҳолатда Х.Ортега-Гасетнинг фикрлари, айниқса долзарбдир: «авлод» тушунчаси энг муҳим тарихий бирлик ҳисобланади ва айнан у тарих чархпалагини ҳаракатга келтиради». Социологлар «авлод» тушунчасини мустақил ўрганишга ҳаракат қилганлар. Жумладан, Ж.Боден, М.Вебер, Д.Вико, В.Дильтей, Э.Дюркгейм, О.Конт, Т.Парсонс, П.Сорокин, Г.Спенсер, З.Фрейд ўз тадқиқотларида авлодларнинг нафақат алоҳида жамият ҳолати ва ривожланишига, балки, умуман, дунё цивилизациясига кўрсатган ижобий ёки салбий таъсирлари каби масалаларни тадқиқ қилганлар.

Машҳур социолог олимлар С.Айзенштадт, К.Мангейм, М.Мид, Х.Ортега-Гасетлар «авлодлар алмашинуви» жараёни қай тарзда ва қайси даврда содир бўлишини ўрганганлар. «Авлодлар алмашинуви» масалаларига бағишланган илмий тадқиқотлар асосида биз сўнгги 100 йилликда Ўзбекистонда кечган авлодлар алмашинуви жараёнини горизонтал ўқ бўйича 15 йилдан 30 йилга кўчган ва вертикал ўқ бўйича эса аксинча, 30 йилдан 15 йилга томон содир бўлган, деган хулосага келдик. Сўнгги бир неча ўн йилликда мамлакатимиз ва хорижлик олимларнинг авлодлар алмашинуви, эски кадриятларнинг парчаланиши ва янги кадриятларнинг вужудга келиши, улкан ҳаётий, илмий, ижтимоий-сиёсий ва маданий тажрибанинг кейинги авлодларга етказиб берилиши ва бошқалар каби муаммоларга бўлган эътиборининг ортиб бориши кузатилар, экан, эмпирик тадқиқотларни амалга ошириш ва таклиф этилаётган концептуал йўналишларни таҳлил қилиш долзарб масалага айланиб бормоқда.

Ўрганилаётган муаммонинг илмий концептуал асоси «замонавий социум»нинг типологик ҳолати, «авлод» ҳодисаси, унда турли функционал хусусиятларнинг ўзига хос аралашуви ҳисобланади. Эмпирик тадқиқотларни амалга ошириш мақсадида ёш билан боғлиқ «муаммоли», бугун ва эрта ўртасидаги ўзига хос боғловчи бўғин вазифасини бажарувчи 30 ёшлилар (асосий гуруҳ сифатида) танлаб олинди, шунингдек, ўрта ва катта авлод ҳолати таҳлил қилинди.

У ёки бу авлоднинг жамият ҳаётидаги ижтимоий ролини аниқлашда тенглик ва ўз-ўзини англаш масалалари муҳим ўрин тутди. Турли авлод вакиллари ўзининг социумдаги ўрнини нафақат ўзига нисбатан талабчанлик орқали белгилайдилар. Аксарият ҳолатларда «бевақт туғилганлик», «ортиқча одамлар сирасидан эканлиги», «жамиятда ўз ўрнини йўқотиб қўйганлик», «ўз илми ва тажрибасини реал ҳаётда қўллаш имкониятига эга бўла олмаслик» каби синдромлар авлодлараро ижтимоий норозиликка сабаб бўлади. Моҳиятга оид нуқтаи назардан мазкур вазият инсон тушиб қолган ижтимоий шароитга қанчалик мослиги, истак ва майллари ўртасидаги фарқлар, атроф-муҳит ва эгаллаган мақоми билан боғлиқ. Бундай ҳолатда «бевақт туғилганлик» фикри асосий синдромга айланади. Таъкидлаш лозимки, жамоатчилик кўпинча «замонавий ёшлар ўзини тутишни билмайди, аввалгилар бошқача эди», «ҳозир ҳамма телефонга тикилган, бизнинг давримизда одамлар китоб ўқиганлар, саводхон бўлганлар ва бошқалар» каби фикрларни таъкидлаган ҳолда маълум бир авлоднинг камчилигини қидирадилар.

Авлоднинг ижтимоий жараёнларга боғлиқлик синдроми ҳақидаги фикрлар кўпинча танқидий ва салбий табиат касб этади. Ушбу давр авлодларининг вақтга оид чегараси бирлигида «сусткашлик», «бўйсинувчанлик», «итоаткорлик», «бепарволик», «ўзаро ҳамкорликка интилмаслик» каби тушунчалар устунликка эга бўлиб бормоқда. Мазкур давр авлодлари мавжуд шароитларда ўз имкониятларини жуда паст баҳолайдилар, ҳаттоки ўзларининг миллий мансублигини иккинчи ёки кейинги ўринларга қўядилар. Жумладан, советлар даврида иттифоқчи республикаларнинг турли миллат вакиллари жамиятда иккинчи даражали ўрин эгаллаб турган, деб ҳисоблаган ҳолда ўз ҳуқуқларини поймол қилингандек ҳис қилганлар ва ҳар доим ҳам ўзларини тенг ҳуқуқли субъект сифатида англаш имконига эга бўлмаганлар.

Атроф муҳитга мослашув ёки «яшовчанлик ва химоя реакцияси синдроми» қуйидаги тарзда кечади: а) айнан бир авлод вакиллари орасида дунёқараши, турли қарашларининг шаклланиши ўта суст кечиши мумкин бўлган одамлар учраши мумкин ва айнан шу каби инсонларда улар билан содир бўлаётган ҳодисалар «тақдирида белгиланган» ва уларда ҳеч нимани ўзгартира олмасликлари ҳисси устун бўлади; б) ташқи муҳитга мослашиш орқали инсон ўзида химоя иммунитетини ва ўз танасида фаол химоя реакциясини мужассамлаштиради. Бу турдаги гуруҳга мансуб шахслар «матонатлилар», «бардошлилар», «яшовчанлар» дея

таърифланади. Мослашиш синдроми турли кўринишда бўлади ва у ҳар бир давр, ҳар бир авлоднинг ўзига хос жиҳати бўлиб келган.

Ижтимоий мослашув жараёнида авлодларнинг қарама-қаршиликка тўла дунёқараши намоён бўлади. Бунда инсонлар мустақил социал субъект сифатида ўз фаоллиги ва имкониятларини ижобий баҳолаган ҳолда атрофдагиларга нисбатан пассив, яъни суст муносабатда бўладилар. Аммо икки ҳолат бир-бирига таққосланадиган бўлса, иккинчи омил биринчисига нисбатан фаол бўлади. Бундай авлод вакиллари фаоллик тўғрисида мустақил фикр билдирсалар ҳам, фаол ҳаракатдан кўра руҳий фаолиятга, масалан, ўйлаш ва мулоҳаза қилишга мойил бўладилар. Улар доимий равишда жамиятда мавжуд бўлиши лозим бўлган миллий ва умуминсоний қадриятларни англаб етиш учун юзага чиқмаган жараёнларни шакллантиришга доимо тайёргарлик кўрадилар. Таъкидлаш мумкинки, ушбу авлод ички маънавий дунёсига кўра, кўпроқ дифференциялашган, социал тажриба жиҳатидан (тарихий вақт ва ўзининг ҳозирги ҳолати нуктаи назардан ҳам) руҳий ҳолат кўп жиҳатдан уларнинг ахборот жамиятининг жадал ўзгарувчи шароитларига мослашиш, унда ўз ўрнини топиш ёки ўз имкониятларини амалга ошириш қобилиятига эга эмасликлари билан изоҳланади, бунинг натижасида улар меҳнат бозорида талабга эга бўлмайди.

Мазкур генерацияда ижтимоий тажрибанинг асосини икки турли давлат тузумлари даврида яшаган, эски ва янги тизимни қиёслаб кўриш имкониятига эга бўлган одамлар ташкил этади. Бу ҳолатда муайян авлоднинг бир қисми учун ўтмиш тажрибаси муҳим бўлса, унинг иккинчи қисмига эса мустақиллик йиллари давомида орттирилган тажриба долзарб аҳамият касб этади. Бу каби «қиёслаш» тажрибанинг маъно ўзагини шакллантиради ва бу ҳолат уларни ягона «янги ривожланиш босқичи авлодлари» шартли конструкциясига бирлаштириш имкониятини беради.

Диссертацияда авлодлар ворисийлигининг тарихий ва социал хусусиятлари, тарихий воқеликка алоқадорлик ва социал идентиклик масалалари тадқиқ этилган.

Авлодларро муносабатлардаги ворисийлик ёки зиддиятли ихтилофларни социологик тадқиқ қилиш бугунги жамиятнинг тарихий ва ижтимоий ривожланишидаги ўзига хос жиҳатларни маълум маънода англашга ёрдам беради. Авлодлар ворисийлиги – ижтимоий ҳаётда муҳим аҳамиятга эга бўлган масала бўлиб, биз унда авлодлар ўртасида юзага келиши мумкин бўлган келишмовчиликни кузатмаймиз. Бироқ икки авлод ўртасида зиддиятларнинг вужудга келиши табиий жараён. Ўзбекистон Бадиий академияси раиси А.Нуриддиновнинг фикрича, санъатшуносларнинг катта авлоди конъюнктурали асарлар яратганлар, бир вақтнинг ўзида ёш (кичик) авлод нуфуз ва касбий тажрибага эга эмас. Назариётчи авлодлар ўртасидаги ушбу узилишни жамиятда ўз ўрнига эга ва рассомга нисбатан ўзгача муносабат ҳамда ўзгача тасаввурда бўладиган мутахассислар билан

тўлдириш керак<sup>7</sup>. Ушбу фикр табиийки, ҳамма вақт ворисийлик жамиятда кутилган натижаларни беравермаслиги, яъни у ижод ёки интеллектуал соҳа билан боғлиқ бўлса, ҳар доим ҳам самара бермаслигини янада ойдинлаштиради.

Ўтказилган социологик тадқиқотлар натижасига кўра, «Сизнингча, бугунги кунда турмуш тарзининг барқарорлигига таъсир этувчи омиллар нималарда намоён бўлиши мумкин?» деган саволга катта ёшдаги респондентларнинг 33,2% қадрият ва анъаналарнинг ўзгариши деб жавоб берган бўлса, ёшларда ушбу фикр 28,8% ни ташкил этган. Шунингдек, катта авлод вакиллариининг 15,7% эҳтиёжларнинг ошиб кетишлиги ва уларни қондириш имкони йўқлиги, дея жавоб қайтаришган. Ёш авлод вакиллариининг 20,6% шу тўхтамга келишган. Катта авлод вакиллариининг 6,3% турмушдаги барқарорликга асосий таъсир этувчи омил сифатида Интернет қарамлик деб жавоб қайтарганлар. Ёшларнинг 15% ушбу фикр билан ҳамоҳанглигини билдиришган. Катта ёшли респондентларнинг 9,8% асосий сабаб сифатида миграция жараёнлари деб жавоб қайтаришган бўлса, бу ҳолат ёшлар ўртасида 9,5% ни ташкил қилади. Респондентларнинг 7,7% жамиятда ижтимоий ва мулкый тенгсизлик оқибатлари дейишган бўлса, 12,7% респондент бозор муносабатларига мослашиш жараёнларининг қийин кечиши, деган жавоб вариантни танлашган. Айти жавобни берган ёшлар 5,2% ни ташкил қилади. Катта авлод вакиллариининг 14,9%, ёшлардан 12,1% респондент мазкур саволга жавоб қайтармаганлар.



**1-расм.** Бугунги кунда турмуш тарзи барқарорлигига таъсир этувчи омиллар

«Авлодлар алмашинуви чегараси» тушунчаси остида, бизнингча, ҳар бир авлоднинг ўз вақт ўлчови ва тарихий-маданий макони мавжуд эканлиги назарда тутилади. Жамиятда авлодлар алмашинуви – бу инсон ҳаётининг биологик суръатига асосланган, унинг натижасида маданий кенглик

<sup>7</sup> Сердце парит в облаках, но видит и землю. // Экономическое обозрение. – Ташкент, № 4 (161), 2013. – С. 107.

сахнасида янги иштирокчилар пайдо бўлувчи универсал жараён саналади. Германиялик социолог олим К.Мангеймнинг фикрига кўра: «Ҳар бир авлоднинг ўз вақт ўлчови ва тарихий-маданий макони мавжуд. Жамиятда авлодлар алмашинуви инсон ҳаётининг биологик суръатига асосланган универсал жараён саналади. Натижада, маданий маконда янги актор (иштирокчи)лар пайдо бўлади ва бу маконнинг эски иштирокчилари эса секин-аста йўқолиб боради; бунда исталган авлод аъзолари тарихий жараённинг хронологик чекланган бўлагида ҳаракат қила олади ва шунинг учун тўпланган маданий меросни кейингиларга тўхтовсиз узатиб бориши лозим»<sup>8</sup>.

Диссертациянинг «Ўзбекистондаги социомаданий ўзгаришларда авлодлар алмашинуви муаммоларининг акс этиши» деб номланган учинчи бобда авлодлар алмашинувининг социомаданий қадриятлари динамикаси таҳлил қилинган ва социологик тадқиқотлар ёрдамида жамият ҳаётида авлодлар алмашинуви қай тарзда очиб берилиши ёритилган. Глобаллашув жараёнлари ўзбек жамиятига ҳам ўз таъсирини ўтказди ва бу таъсир натижаси эса, ўз навбатида миллий қадриятлар тизимида намоён бўлди. Бу эса 27 йил давр мобайнида авлодлар алмашинуви ва улар ўртасидаги ворисийлик жараёнларининг кечиши учун муҳим роль ўйнайди.

Демократик ислохотлар давридаги авлод ижтимоий ҳолатини генерацион таҳлил қилиш шуни кўсатадики, унда жамийки ижтимоий фаолият қамраб олинади. Бугунги кунда бизнинг турмушимиз ва кундалик ҳаётимизга «мустақиллик фарзандлари», «эркин ва озод авлод», «Интернет ва виртуал оламнинг фаол авлодлари» каби тушунчалар кириб келди. Ва ушбу авлоднинг ҳаттоки фаоллик шакллари ҳам аввалги авлодниқидан фарқли ўлароқ прагматик, бир томонлама табиатга эга. Ижтимоий фаоллик психологик жиҳатга ҳам эга. Айнан руҳиятдаги ўзгаришлар апатия, кераксизлик, тушкунлик ҳиссиётларининг ривожланишига сабаб бўлади. Бу эса, ўз навбатида, масалан, ўз мақсадига эришишдаги қатъийтлиликни намоён қилиш каби айрим ғоя ва интилишларни амалга ошириш йўлида тўсиқ бўлиб қолиши мумкин. Бунинг асосий сабаби умуман ўзгараётган ижтимоий-иқтисодий шароитларда ва айниқса, меҳнат бозоридаги ўзгаришларга боғлиқ. Инсон ўзини меҳнат бозорида рақобатбардош эмасдек ҳис қилади, доимий равишда тушкун кайфиятда юради, унинг истак, талаблари ва уларни қондириш имкониятлари ўртасида аниқ номуаносиблик вужудга келади. Бироқ шунга қарамасдан, Россиялик олим В.Семенованинг фикрига кўра, 30 ёшли ёш чегарасида тушкун кайфият ҳолати доимий бўлмайди.

Ўзбекистоннинг ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришлар жараёнининг социологик тадқиқотлари ёшлар когортларининг динамик ижтимоий қиёфасини яратиш имконини беради. Бу каби когортларнинг ички тузилмасини, уларнинг ижтимоий мақомини, ижтимоий ролини таҳлил

---

<sup>8</sup> Манхейм К. Консервативная мысль // Диагноз нашего времени. – Москва., 1994. – С. 82.

қилиш жараёнида янги ривожланиш босқичида авлодлар алмашинуви жараёнларини илмий прогноз қилиш имконияти вужудга келади.


